БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 250 (4349).
1 НОЯБРЬ, 1980 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ САККИЗИНЧИ СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни — республика ёзувчилари саккизинчи съезди қатнашчиларини ва сизлар орқали Ўзбекистон ССРнинг барча адабиёт арбобларини астойдил табриклайди.

Сизларнинг съездингиз шонли даврда ўтмоқда. Совет халқи шонли Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети, содиқ марксчи-ленинчи, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, Ер юзидаги одамларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун тинимсиз, изчил курашчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси раҳбарлигида коммунизм қурилиши улуғвор программасини муваффақиятли амалга оширмоқда, жонажон Ленин партияси XXVI съездини мислсиз меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик вазиятида муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Барча совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми, СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси қарорларини, Леонид Ильич Брежневнинг Пленумда сўзлаган ва партия билан халқнинг жамиятимиз иқтисодий ва социал ривожи ҳозирги босқичидаги жанговар фаолият программаси баён этиб берилган чуқур, мазмунли, ленинча доно нутқини зўр мамнуният билан кутиб олдилар ва якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам коммунистларнинг улуғ анжуманини коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Республика пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида Ватанга 6 миллион тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топшириб, айниқса буюк муваффақиятга эришдилар.

Жамиятни иқтисодий ва социал сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда, совет кишисининг илмий дунёқарашини, актив ҳаётий позициясини, унинг маънавий эътиқодлари ва юксак маданиятини воята еткашишда адабиётнинг роли буюкдир. Умидворлик ва ҳаётбахш коммунистик ғоялар руҳи билан суғорилган совет адабиёти миллион-миллион кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоғи, уларнинг хоҳиш иродаси, хис-туйғулари ва фикрларини ифодалаши, уларни ғоявий бойитиш ва ахлоқий тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак.

Еттинчи съезддан кейин ўтган давр ичида республика ёзувчилари ижодиётининг тематик доираси анча кенгайди, уларнинг бадиий маҳорати ўсди. Ўзбекистон адиблари халққа манзур бўлган кўпгина яхши романлар, қиссалар, поэтик асарлар, драматургия ва адабиётшунослик асарлари яратдилар. Ёзувчиларнинг ижодида замонавийлик мавзу бош мавзу бўлиб қолди. Улар ўз асарларида социалистик воқелигимизни, совет кишиларининг меҳнатдаги жасоратларини, уларнинг бой маънавий дунёсини ва олижаноб муддаоларини, СССР халқларининг бузилмас дўстлигини, уларнинг илҳомбахш ватанпарварлиги ва пролетар интернационализмини теран ва ёрқин ифодалай бошладилар.

Анчагина иш қилинди, аммо қилинадиган ишлар ҳали кўп. Коммунистик партия сўз санъаткорларини улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратишга, совет адабиётининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтаришга даъват қилади.

Халқ турмуши билан алоқани мустаҳкамлаш, совет воқелигининг бойликлари ва хилма-хиллигини юксак бадиий воситалар орқали ҳаққоний ифодалаш, янги, чинакам коммунистик фазилатларни илҳом билан мароқли тасвирлаш ва жамиятимизнинг олға ҳаракатига халақит бераётган ҳамма иллатларни фош қилиб ташлаш — республика барча ёзувчиларининг энг муҳим ва масъулиятли вазифаларидир.

Халқ адиблардан замонамизнинг қаҳрамонларини — коммунизм бинокорларининг биринчи сафларида бораётган азаматларни тасвирловчи йирик бадиий асарлар кутмоқда. Ёзувчиларимиз совет халқи ишларининг улуғворлиги, дили ва орзу-умидларининг олий ҳимматлилигини, унинг коммунистлар улуғ ленинчи партияси теварагида метиндек жипслашганлигини кўрсатиб беришлари лозим.

Ягона ва бўлинмас совет адабиёти аввал бошданоқ кўпмиллатли, кўпбўёқли ва кўптилли адабиёт сифатида дунёга келди. Унинг ривожига асос қилиб олинган халқлар дўстлиги ва қардошлиги, пролетар интернационализмининг улуғ ғоялари бундан буён ҳам Ўзбекистон ёзувчиларининг асарларида чуқур тараннум этилмоғи керак.

Совет адабиёти ўзининг ғоявийлиги ва ҳаққўйлиги туфайли коммунистик онглиликни шакллантириш ва ривожлантиришга жуда катта самарали таъсир ўтказмоқда. Республика ёзувчилари энг илғор ижодий метод бўлмиш социалистик реализм методини бундан буён ҳам баланд кўтариб боришлари, унинг принципларини ижодий ривожлантиришлари, уни турли-туман буржуача хуружлардан авайлаб асрашлари лозим.

Ўзбекистон адабиётини ривожлантиришда республика ёзувчилар союзининг роли катта. Союзнинг фаолияти юксак талабчанлик, принципиаллик ва халқ олдидаги гражданларча масъулият муҳити билан, яхши ният муҳити билан ажралиб туриши керак. Ёзувчиларнинг ғоявий-назарий ва профессионал маҳоратини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш, ёш адибларни меҳрибонлик билан тарбиялаш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика ёзувчиларининг саккизинчи съезди самарали ишлашини тилайди ҳамда Ўзбекистон адиблари партия XXV съезди қарорларида ҳамда КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларига доир қарорларида совет ёзувчилари олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар, жонажон Ленин партиясининг XXVI съездини муносиб кутиб оладилар, кўпмиллатли совет социалистик маданиятининг улуғ хазинасига бундан буён ҳам кўпроқ ҳисса қўшаверадилар, деб ишонч билдиради.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитети.

XXVI МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — КПСС XXVI СЪЕЗДИГА

УНИНЧИ ЗАРБДОР ҲАФТА ЯКУНЛАНМОҚДА

ТРАНСПОРТ АНИҚ МАРОМДА ИШЛАСИН

Навбатдаги зарбдор ҳафта якунини 3-автобус паркининг директори О. И. Исмоилов шундай шарҳлайди:

Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси шу кунларда мамлакатимиз коммунистларининг бўлажак анжуманини ишда улкан муваффақиятлар билан кутиб олиш мақсадида ташаббус ва ижодкорлик кўрсатиб ишламоқда. Барча бригада ва маршрутларда «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ҳафта» шиори остида социалистик мусобақа авж олиб кетди. Янги резервлар ишга туширилди, интизом мустаҳкамланди, қолоқликка барҳам берилди.

Паркимиз меҳнаткашлари ҳайдовчи Зоир Юсупов ўз сўзининг уддасидан чиқиб, икки беш йиллик топшириғини ошириб бажарганлиги билан ҳақли равишда фахрланадилар. Бу тажрибали ҳайдовчи ўзининг билим ва маҳоратини ўртоқларига ўргатмоқда. Шу боисдан ҳам автомобиль хўжалигимиздаги 90 ҳайдовчи ҳозирнинг ўзидаёқ шахсий беш йиллик топшириғини бажариб қўйди. А. Азизхўжаев, Ш. Ҳолмуҳамедов, М. Мирсаъдиев, С. Холиқовлар ўтган ҳафтада энг юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичига эришдилар. Улар смена топшириқларини 120—130 процентга етказиб бажаришди.

Бу илғор ҳайдовчиларнинг ютуқлари парк коллективининг ўн ойлик фойда олиш, шунингдек пассажирлар ташиш планини оширib бажаришига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Бу муваффақиятлар шундан далолат бермоқдаки, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун белгиланган марра муддатидан олдин эгалланади. 20 ноябрда беш йиллик план бажарилади, топшириққа қўшимча давлатга 270 минг сўмлик фойда келтирилади.

Зарбдор ҳафтанинг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлдики, доимо янгилик томон интилинди, илғор тажриба оммалаштирилди. Меҳнатга бундай ижодий ёндошиш намунасини 43-экспресс маршрутида ишлаётган ҳайдовчилар фаолиятида яққол кўриш мумкин. Улар биринчи бўлиб, бригада пудратини ўзлаштириб, бу усул ишлаб чиқариш кўрсаткичларини оширишга ёрдам беришини амалда исботладилар. Ҳозир саккиз маршрут ана шундай методда ишлашга ўтди. Бу маршрутларда яхши меҳнат натижаларига эришилмоқда.

Шу билан бир қаторда ремонтчиларнинг самарали меҳнатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқ лозим. Чунки автобусларнинг нуқсонсиз ишлаши кўп жиҳатдан уларнинг меҳнатига боғлиқ. Бу соҳада слесарь Ф. Исломов, моторист Н. Стенюшкин, пайвандчи В. Кабачеклар бошқаларга намуна кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, паркимиздаги ҳар бир ишчи ўз меҳнат жойида унумлироқ меҳнат қилиш, резервлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг мақсади КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишдир.

Биз КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорлари ва унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев сўзлаган нутқида чиқарилган хулоса ва хулосаларни зўр қизиқиш билан кутиб олдик. Бу нутқда ёнилғини, айниқса энергетика ресурсларини тежашни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Ана шу кўрсатмадан келиб чиққан ҳолда, коллективимиз ҳар бир участка, бригада ва маршрутдаги ҳақиқий аҳволни синчиклаб ўрганиб чиқди. Тўғрисини айтганда, бизда ҳали фойдаланилмаётган резервлар бор. Ҳозир ана шу резервларни ишга солиш, ҳар бир грамм ёнилғидан самарали фойдаланиш чораларини кўрмоқдамиз.

Басира Мамаева ўн олти йилдан бори шаҳримиздаги тўқимачилик-галантерея фабрикасида ишлаб келади. Унинг сурати корхона Ҳурмат тахтасидан ўрин олган. Социалистик мусобақа пешқадами Б. Мамаева смена топшириқларини мунтазам 140 процентга етказиб адо этади.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Оқ олтин хирмонига

6 МИЛЛИОН ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁР!

Республика пахтакорлари 6 миллион тонналик маррани забт этдилар. Бундай улкан «оқ олтин» хирмони шу пайтгача яратилмаган эди.

31 октябргача республика бўйича 5.974.773 тонна, шу жумладан 332.201 тонна ингичка толали пахта хирмони бунёд этилди.

31 октябрга қадар пахта тайёрлаш планини Тошкент области 112,48, Бухоро области 112,42, Самарқанд области 111,16, Қашқадарё области 108,79, Сурхондарё области 106,96, Жиззах области 105,66, Сирдарё области 105,15, Хоразм области 103,49, ҚҚАССР 101,59, Фарғона области 97,94, Андижон области 96,42, Наманган области 93,52 процент бажардилар.

Ўтган куни республика бўйича йиллик планнинг 0,64 проценти миқдорида пахта тайёрланди. План 103,01 процент бажарилди.

ПАРТИЯ БИЛАН, ХАЛҚ БИЛАН ҲАМИША ҲАМНАФАС

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

Мамлакатимизнинг кўп миллатли адабиёти совет кишиларини севили Ватанимизнинг равнақи йўлида, тинчлик ва коммунизм тантанаси йўлида шавкатли меҳнатга ва жанговар жасоратга, янги зафарларга руҳлантирмоқда. Бу адабиёт сафида Ўзбекистон ёзувчиларининг асарлари муносиб ўрин олиб турибди.

31 октябрь куни республика адиблари кейинги беш йил мобайнидаги ижодий фаолиятни якунлаш, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қилиш учун ўзларининг VIII съездига тўпландилар. Кўпгина делегатлар тўппа-тўғри пахтазорлардан, дала шийпонларидан келганларида рамзий маъно бор. Пахта теримининг долзарб дамларида ёзувчиларнинг ўнлаб бригадалари энг яхши пахтакорларнинг тажриба ва маҳоратини элга ёйиш учун, бўлажак асарларига мавзу танлаш учун ўз қаҳрамонлари ёнида бўлдилар. Шу боисдан адибларимизнинг фахрланиши мутлақо ўринли: Ўзбекистон пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида Ватанга армуғон этган 6 миллион тонна «оқ олтин» хосилини бунёд этишда ёзувчилар меҳнатининг ҳам бир талай улуши бор.

Ўртоқ Л. И. Брежнев «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» мавзуида ёзувчиларнинг Боку шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ конференцияси қатнашчиларига йўллаган табрикномасида таъкидлаб ўтганидек, кўп миллатли адабиётнинг ривожи мамлакатимиз меҳнаткашларининг коммунизм тантанаси йўлидаги кураши билан чамбарчас боғланган.

Адиблар ўз ижодиётига нисбатан: халқ турмушида сўз ва иш билан фаол қатнашишдан иборат энг катта партиявий талабни қўйганлар, бутун совет мамлакати адабиётининг ажралмас қисми бўлмиш Ўзбекистон адабиётининг асосий анъанаси ҳам мана шундай.

VIII съезд президиумида таниқли адиблар, қардош республикалардан келган меҳмонлар ўтиришибди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Л. И. Греков, И. Б. Усмонхўжаев, Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант В. С. Родин, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари В. М. Озеров, «Огонёк» журналининг бош редактори, ёзувчи А. В. Софронов, ёзувчи Г. А. Боровик, машҳур шоир А. П. Межиров, қардош республикалар ёзувчилар союзларининг делегациялари, тараққийпарвар араб шоири Абдураҳмон ал-Хомисий бор эди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан съезднинг фахрий президиумига сайланади.

Мажлис аҳли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг табрикномасини қарсаклар билан кутиб олади табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов ўқиб эшиттиради.

Съездда республика ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин доклад қилди. Республика сўз усталари ўз съездига салмоқли муваффақиятлар билан келдилар, деб уқтирди у.

Ўзбекистон ёзувчилари бутун мамлакат адиблари билан бир сафда туриб, бутун халқ билан ҳамнафас бўлиб КПССнинг тарихий XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал қилиш учун, ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун илҳом билан фидокорона курашмоқдалар.

Ўзбекистон ёзувчилари ўз ижодларини барча қардош республикаларнинг энг яхши шоир ва ёзувчиларининг изланишлари билан пайванд қилаётганликлари туфайли муваффақият қозонмоқдалар. Улуғ мамлакатимиз барча миллий маданиятлари бир-бирини ўзаро бойитиши ва бир-бирига ўзаро таъсир қилишидан иборат самарали жараён шароитидагина юксак бадиий асарлар юзага келмоқда. СССР халқларининг миллий адабиётлари яхлит бир адабиёт бўлиб, узвий равишда бирлашиб, кўплан-кўп сермева шохлар гуркираб турган азим дарахтга айланди. Бунда улуғ рус адабиёти, унинг чуқур демократик, революцион анъаналари, ҳозирги замондаги баланд парвози алоҳида роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон адибларининг мамлакатдаги барча қардош республикалардаги ёзувчилар ташкилотлари билан, деб таъкидлади докладчи, анъанавий ижодий алоқалари йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Биргаликда ишлаш, ҳар томонлама алоқалар, учрашувлар, мунозаралар жараёнида янги ёрқин асарлар вужудга келмоқда. СССР Ёзувчилар союзи Ўзбекистон адибларига жуда катта ёрдам бермоқда.

Республикамиз ёзувчиларининг илҳомбахш меҳнати умумхалқ вазифаларини ҳал этишга, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашдек олижаноб ишга самарали ҳисса бўлиб қўшилди. Ўзбекистон адиблари КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошира бориб, бир қанча салмоқли асарлар яратдилар.

Ш. Рашидовнинг «Бўрондан кучли» ва янги таҳрирда нашр этилган «Ғолиблар» романлари халқ турмушининг жонли манзарасини ранг-баранг ва ёрқин бўёкларда акс эттиради. Ўзбекистон ёзувчилари кенг ва хилма-хил мавзуларда қалам тебратмоқдалар. Қўриқ ерларнинг ўзлаштирилишига бағишланган асарлар кам эмас. Мирмуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси» романи гидроиншоотчиларнинг зарбдор меҳнатини тараннум этади. Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи ҳозирги юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш проблемалари устида баҳс юритади. Саид Аҳмаднинг драма асарлари, Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб», Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» асарлари замондошимизга бағишланган.

Қисса жанридаги меҳнат мўл-кўл ҳосил берди. Китобхонлар Асқад Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат», Мақсуд Қориевнинг «Турналар баланд учади», Ўлмас Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» номли янги асарларига ва бошқа кўпгина муаллифларнинг қиссаларига яхши баҳо бердилар. Кейинги йилларда ёш ижодкорларнинг сезиларли активлашганлиги қувончлидир.

Тарихий революцион проза жанрига қизиқарли китоблар қўшилди. Назир Сафаровнинг «Наврўз», Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» романлари, Ўрта Осиёда гражданлар урушини билган ва тадқиқотчиси Михаил Шевердиннинг «Жайхун» романи шундай асарлар жумласидандир. Владимир Липконинг «Сенинг зафаринг» романи Тошкентдаги революцион воқеаларга бағишланган.

Ўзбекистон адабиётида Улуғ Ватан уруши мавзуи катта ўрин эгаллайди. Борис Пармузиннинг «Бегона шамоллар қаҳри» роман-хроникасини, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Борис Тихомоловнинг «Хотира» китобларини, Иброҳим Раҳим, Вали Ғафуровнинг романларини китобхонлар зўр қизиқиш билан кутиб олишди.

Зулфия, Рамз Бобожон, Уйғун, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Омон Матжон, Халима Худойбердиева, Гулчеҳра Нуруллаева, Нормурод Нарзуллаев шу йиллар мобайнида совет поэзиясига янги сатрлар киритдилар.

Интернационал руҳдаги, чуқур мазмундаги ҳозирги замон Ўзбекистон адабиёти СССРдаги кўпгина халқлар тилларида яратилмоқда. Ёзувчиларнинг ҳар бири учун она тилида ижод қилиш ва ўз асарларини нашр этиш учун ҳамма шароит яратиб берилган.

Докладчи икки идеология, икки дунёқарашнинг муросасиз кураши кучайиб бораётган ҳозирги халқаро вазиятда ёзувчилар ижодининг аҳамиятига тўхталиб ўтди. Совет, шу жумладан ўзбек адабиёти ҳам инсонпарварлик ва тараққиётнинг порлоқ идеалларини жаҳонга ёймоқда. Совет адиблари ҳамиша тараққийпарвар фикрдаги адибларнинг биринчи сафида бўлиб келганлар. Чунончи уларнинг ташаббуси билан Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1-конференцияси, яна бир неча йилдан кейин эса шу конференциянинг 20 йиллигига бағишланган учрашув, шунингдек Осиё ва Африка ёш адибларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

Докладчи Совет Ўзбекистони адиблари бундан буён ҳам ўзларининг бутун истеъдодлари ва ғайратларини Ленин партияси ишига сарфлайверадилар, бутун совет халқи билан биргаликда коммунизм сари зафарли одим ташлаб, оламларни янгидан-янги ғалабаларга руҳлантираверадилар, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ревизия комиссиясининг раиси Ўткир Рашид комиссия номидан доклад қилди.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетида

Мусобақа ғолибларига — байроқлар

ШАҲАРДАГИ РАЙОНЛАР, САНОАТ, ҚУРИЛИШ ВА ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ ЎРТАСИДА 1980 ЙИЛНИНГ УЧИНЧИ КВАРТАЛИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНИ ТЎҒРИСИДА.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи районлар ўртасидаги социалистик мусобақа якуни бўйича **Октябрь районига** (Ўзбекистон КП район комитетининг секретари Х. Х. Тошхўжаев, район ижроия комитетининг раиси М. А. Аъзамов, район комсомол комитетининг секретари А. А. Мунавварова) берилди. Бу район маҳсулот реализация қилиш бўйича квартал плани 103,2 процент бажарилишини таъминлади. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4.2 процент ўсди ва учинчи квартал социалистик мажбуриятлари ортиғи билан бажарилди.

Киров. Акмал Икромов. Ленин. Чилонзор районлари саноат корхоналарининг яхши ишлаганлиги таъкидланди. Бу районларда ҳам асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича квартал плани бажарилди ва учинчи квартал социалистик мажбуриятлари ортиғи билан адо этилди.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитети машинасозлик, электрон ва электротехника саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ **«Миконд» заводи коллективига** (директори Х. Н. Тожиев, партком секретари А. И. Фозилбеков, касаба союз комитети раиси Н. П. Чесноков, комсомол комитети секретари Ю. Назруллаев) берилди. Бу корхона саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича учинчи квартал планини 102,5 процент бажарди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг 25,9 процент ўсишини таъминлади ва социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди.

Шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитети енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ Тошкентдаги **«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига** (директори В. К. Эргашев, партия ташкилотининг секретари К. П. Тишина, касаба союз комитетининг раиси К. Ф. Тожиев, комсомол комитети секретари С. Пирмуҳамедова) берилди. Бу корхона маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича квартал планини 102,4 процент бажарди, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 процент ўсишини таъминлади, квартал социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди.

Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи **«Главташкентстрой»нинг 6-трести коллективига** (бошқарувчиси М. А. Деревшчуков, партия ташкилоти секретари Р. Г. Баглаева, касаба союз комитети раиси Т. М. Магдиев, комсомол комитети секретари Р. Қурбонов) берилди. Бу трест коллективи бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 101,7 процент, шу жумладан, ўз кучлари билан 106,7 процент адо этиб, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва таннархни арзонлаштириш бўйича топшириқларнинг бажарилишини таъминлади.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитети транспорт ва алоқа корхоналари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ **Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига** (бошқарувчиси М. М. Алиев, партия ташкилоти секретари Н. Ф. Шелков, маҳаллий комитет раиси Э. А. Ландсберг, комсомол ташкилоти секретари М. Р. Абдуллаев) берилди. Бу коллектив юк ташиш бўйича квартал планини 103,8 процент бажариб, фойданинг 13,1 процент ўсишини таъминлади.

Ишлаб чиқилган шартларга биноан Киров ва Собир Раҳимов районлари ўртасида учинчи кварталдаги социалистик мусобақада **Киров райони,** Акмал Икромов ва Сергели районлари ўртасидаги мусобақада **Акмал Икромов** райони, Ленин ва Фрунзе районлари ўртасидаги мусобақада **Ленин райони**, Октябрь ва Чилонзор районлари ўртасидаги мусобақада **Октябрь райони**, Ҳамза ва Куйбишев районлари ўртасидаги мусобақада эса **Ҳамза райони** ғолиб чиқди.

Шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га саноат, транспорт, қурилиш корхоналари ёзилди.

Район партия комитетларига корхона ва ташкилотларнинг бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда 1980 йилнинг учинчи кварталидаги иш якунини чуқур таҳлил қилиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини сўзсиз бажариш имконини берадиган аниқ тадбирларни белгилаш таклиф этилди. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редакциясига районлар, корхоналар ва ташкилотлар ўртасида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш бўйича социалистик мусобақани кенг ёритиш таклиф этилди.

Тонгги газеталарда

▲ Тошкент жамоатчилиги намояндаларининг 31 октябрь куни В. И. Ленин Марказий музейининг филиали залида бўлиб ўтган тантанали йиғилиши Жазоир Халқ Демократик Республикасининг миллий байрами — революциянинг 26 йиллигига бағишланди.

Йиғилиш қатнашчилари Жазоир революциясининг 26 йиллиги муносабати билан «Жазоир—СССР» дўстлик жамияти номига табрикнома қабул қилдилар.

▲ 1980 йил 30 октябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—1218» учирилди. Йўлдош ичига ўрнатилган аппаратлар космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган.

▲ Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. К. Мусабоевни Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

Ўрта Осиё региональ гидрометеорология маркази хабар қилади

НОЯБРЬ ОБ-ҲАВОСИ

Қишнинг яқинлашуви одатда ноябрь ойининг иккинчи ярмидан бошланади. Бу пайтда ҳарорат октябрь ойидагига қараганда 6—7 даража паст бўлади. Бу йил ана шу ойнинг ўрталиғи иссиқ бўлиши кутилади. Кечаси 2 даража совуқ, 7—12 даража иссиқ, кундузи эса 10—15 дан 17—22 даражагача иссиқ бўлади. Баъзи кунлардагина бу ҳарорат 5—10 даражага тушади.

Ой давомида ҳаво ўзгарувчан, булутли бўлади, учинчи ўн кунликда эса баъзи жойларга туман тушади.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Ҳисобот-сайлов конференцияси бошланмасдан анча олдин фойеда, залда қизғин суҳбат борарди. Унинг маъносини шундай тушуниш мумкин. Қилинган ишлар холисона баҳоланяпти, муваффақиятлар, рўй берган қийинчиликлар таҳлил этиляпти, партиявий ишнинг асосий йўналишлари белгиланяпти. Конференцияда кўп гаплар бўлиши керак. Ҳақиқатан ҳам коммунистларнинг айтганича бор эди. Муҳокама жуда ишчанлик билан, ўз-ўзини танқид руҳида, конкрет ўтди.

«Таштекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари В. Гопаненко қилган ҳисобот докладида ишлаб чиқаришда коммунистларнинг етакчилик қилишаётгани, барча ишларда актив қатнашаётгани тўғрисида ёрқин мисоллар келтириб ўтилди. Коммунистлар беш йилликни муддатидан илгари якунлаш, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун курашда етакчилик қилмоқдалар. Ҳозир меҳнат беллашувида 4 мингдан зиёд киши иштирок этяпти. 3 минг 840 киши — меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида иштирок қиляпти. Шуниси характерлики, улардан 400 киши, асосан, коммунистлар конференция очиладиган кунгача шахсий беш йиллик планларини бажардилар.

Докладчи ва музокара қатнашчилари — 2-механика цехи партия ташкилоти секретари М. Степачева, партия группаси ташкилотчиси В. Голубев, касаба союз комитетининг раиси Р. Алиев ва бошқа делегатлар ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилаётган, ташаббуслар бошлаб бераётган коммунистларнинг номларини фахр билан тилга олиб ўтдилар. Улар орасида созловчи И. Қоратоев, асбобсозлик цехи партия ташкилотининг секретари М. Қулибоев, унинг цехдаги ҳамкасби В. Клепинин, силлиқловчи В. Ржанников ва бошқалар бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажаришга аҳд қилиб, ваъдага вафо қилмоқдалар.

Партия ташкилотининг ташаббускорлиги тўғрисида кўплаб мисоллар келтирилди. Ҳозир партия ташкилоти ҳисобида 710 коммунист ва КПСС аъзолигига кандидатлар бор. Беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажараётган кишилар номлари тилга олиб ўтилди. Тўқув дастгоҳлари ва кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш суръатини ошириш зарурлиги айтилди. Меҳнат, сиёсий активлик янада ошгани ҳақида мисоллар келтирилди. Ғоявий тарбиявий ишлар марксча-ленинча ва иқтисодий ўқув аҳволи ҳар томонлама таҳлил этилди. Келгусидаги режалар белгиланди. Аммо гап нима ҳақда бормасин, бош вазифа — янги машиналар ишлаб чиқаришга бориб тақалди.

Коммунистларнинг бу масалага нима учун бунчалик эътибор беришганлиги тушунарли, албатта. Ўн биринчи беш йиллик арафасида завод қанақа дастгоҳ ишлаб чиқаради, тўқувчиларга қандай янгиликлар беради, уларнинг юксак марраларга эришишларига ўз ишлари билан кўмаклаша оладиларми — ана шулар ҳақида ўйлаш вақти келган. КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқида фақат маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирибгина қолмай, шу куннинг талабларига жавоб берадиган машина ва дастгоҳларнинг янги намуналарини яратиш талаби қўйилди. Бу эса бевосита Тошкент машинасозларига ҳам тааллуқлидир.

Кўпгина ишлар қилинди. Беш йилликнинг ўтган йилларида II—66—...16 йигирув машинаси, ПК—100М—3 йигирув-ўров машинаси, Р—192—5 ва Р—260—5 ростлаш, ПР—150—1 йигирув-ротор машиналари сингари янги дастгоҳларни серияли ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Конструкторлик ишлари муддати 1,5 ҳисса камайди. Янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этиш эса 2 баравар тезлашди. Бошқача айтганда, ҳозир ҳар бир янги машинани лойиҳалашдан то серияли ишлаб чиқаришгача аввалги беш йилликдагидек 2 — 4 ва ундан кўпроқ йил ўрнига бир-икки йил кифоя қиляпти.

Бундай жадаллашнинг сабаби нимада? Докладда ва делегатларнинг сўзларида корхона партия ташкилоти, маъмурияти илмий-техника тараққиёти ютуқларини жадал жорий этиш йўлини тутганликлари айтиб ўтилди. Босим ер остида қуйиш кенгайтирилиши натижасида бундай маҳсулотлар тайёрлаш икки ярим марта ошди. 400 дан зиёд янги дастгоҳлар жорий этилди. Прогрессив технологик жараёнлар тобора кенг жорий этиляпти.

Партком, цех партия ташкилотлари лойиҳалаш, инженерлик, цех хизмат бўлимларида яхши ижобий иқлим яратганлар, мусобақа кучайтирилган. Тўқимачилик машинасозлиги махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи Г. Гладишев, 3-цех бошлиғи Н. Сулаймонов, «Ўзбектекстилмаш» бирлашмасининг бош директори Р. Мангутов ва бошқалар шуни таъкидлаб ўтишдики, завод янги беш йилликка кўпгина ижодий ютуқлар билан келди. Масалан, янги ростлаш, йигирув-ўров машиналарининг конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ниҳоясига етяпти. Ҳозир тўқувчилар ғалтаклари минутига 10—12 минг марта айланадиган дастгоҳларда ишламоқдалар. Янги машиналарда эса бу кўрсаткич 13—14 мингга етади.

Шундай бир мисолни келтириб ўтайлик. Конференция арафасида корхона янги чўзув приборидан 5 минг комплектини юборди. Такомиллашган йигирув машиналари мамлакатнинг турли тўқимачилик фабрикаларида ишлаяпти. Янги машиналар кўплаб маблағни тежаб қолиш имконини берди. Коммунистлар қилинган ишларни муносиб баҳолаб, нуқсонларни танқид қилдилар. Ҳали коллективда фойдаланилмаётган имкониятлар, резервлар кўп. Завод ҳамон бир маромда маҳсулот ишлаб чиқаришга эриша олмаяпти. Планлаштиришда нуқсонлар бор. Моддий-техника таъминотида узилишлар бўляпти. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина 20 мингга яқин киши-соат иш вақти йўқолди. Партком бу масалани бир неча марта муҳокама қилди, яхши қарорлар қабул қилди. Аммо уларнинг тўла бажарилишига эриша олмади.

Бу нуқсонлар эса корхона ишига салбий таъсир кўрсатди. Масалан, коллектив бугунги кунда тўқувчиларга 100 тадан зиёд йигирув ва ўров машиналари ҳамда бир қанча деталь ва қисмларни етказиб бермади. Буни таъминотдаги узилишлардан деб баҳона қилиш ҳақиқий аҳволни холисона ифода этолмайди. Партия ташкилоти, ҳар бир коммунист ана шунга эътибор бериши керак. Коммунистларнинг биринчи галдаги вазифаси —ички резервларни қидириб топиш, ишга солиш, коллективни белгиланган режаларни амалга оширишга сафарбар этишдан иборат. Бу эса барча сўзга чиққанларнинг нутқларида ҳам, конференция қарорида ҳам акс этди.

Интилганга толе ёр, дейдилар. «Таштекстильмаш» коммунистлари бутун коллектив ўз олдига қўйган вазифани уддалай олади. Конференциянинг ҳар томонлама ўйлаб тузилган, қилинган ишларни таҳлил этишга ва келгусидаги режаларни аниқ белгилашга асосланган қарори партия ташкилотининг янги беш йилликдаги жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолади.

Б. РЯЗАНЦЕВ.

• *Беш йиллик вахтасида*

Юксак марра сари

«Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, уларнинг турларини оширингиз, сифатини яхшилангиз!» — дейилади КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига Чақириқларида.

Тошкент тўқимачилик комбинатидаги биринчи йигирув фабрикасининг коммунист Бувинисо Ҳамрахонова етакчилик қилаётган пилта-пиликлаш цехи коллективи ана шу партия Чақириқларига амалий жавоб бериш учун курашаётган коллективлардан биридир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва яримфабрикат сифатини яхшилаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди ва давом эттирилмоқда.

Москва саноат корхоналари коллективларининг 7 ноябргача йиллик планни бажариш ташаббусига қўшилган цех коллективи меҳнат зафарлари сари дадил бормоқда. Чунки цехнинг асосий касб эгаларидан 5 киши шахсий беш йилликни, 12 киши йиллик план-топшириғини муваффақиятли адо этди. Улар бугунги кунда планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Цехда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори 2,1 процентга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан), меҳнат унумдорлиги 1,7 процентга ўсди, маҳсулот сифати яхшиланди. Бу рақамлар замирида коллективнинг фидокорона меҳнати, мураббийларнинг оғир, аммо шарафли заҳмати, ветеран ишчилар билан тенг туриб ишлаётган комсомол-ёшлар эришаётган ютуқлар жамланган.

Айниқса, меҳнат беллашувида ёш коммунист Авазхон Мигдалиев етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси пешқадамликни қўлдан бермай келаётир.

— Бригадамизда 14 киши — 7 пилталовчи ва 7 пиликловчи бор, —дейди бригада бошлиғи А. Мигдалиев.— Бригадамизнинг ветеран ишчилари пиликловчилар С. Аблязимова, Т. Чокчиналар В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига шахсий беш йиллик топшириқни муваффақиятли адо этганди. Улар бугунги кунда 1981 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.

Авазхоннинг гапларига шуни қўшимча қилиш мумкин: Соня опа Аблязимова мазкур цехда 1946 йилдан буён меҳнат қилади. Қарийб 20 йилдан бери типовой нормадан юқори зичликда—180 урчуқ ўрнига 234 урчуққа хизмат қиляпти.

Соня опа ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай шароитига қарамай, план-топшириқлари н и 110—180 процентга бажариш билан бирга, маҳсулот сифатига ҳам муҳим эътибор беради. У 99,8 процент маҳсулотни биринчи сортга топшираяпти.

Коммунистик меҳнат зарбдори С. Аблязимовани цех коллективи меҳрибон, айни вақтда талабчан мураббий сифатида танишади. Унинг узоқ йиллар мобайнида тайёрлаган шогирдлари 30 дан зиёд. Ёш ишчи Гулбаҳор Усмонова унинг энг «кенжа» шогирди. Гулбаҳор шу йилнинг август ойида ҳунар билим юртининг 3-пиликлаш группасини тугатиб, ишлаб чиқаришга келган. Мана, икки ойдирки, у устози Соня опадан касб сирларини ўрганмоқда, юқори тезкорликка эга бўлган мустақил ишчи бўлиб етишишга интилмоқда.

— Гулбаҳор интилувчан, касбини севиб танлаган қиз,—дейди мураббий Соня опа.— Энг қувончлиси шундаки, у ишни пухта бажаришга интилади.

Бригада комсомол-ёшлари 7 ноябрь — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги кунигача йиллик планни бажариш мажбуриятини олишган. Бригаданинг Муҳаббат Эгамова, Ерқиной Алимова, опа-сингил Сурмахон ва Бўлдиқиз Исмоиловалар, Раила Ризвонова каби пиликловчи ва пилталовчилари ўз зиммаларидаги юксак мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун курашмоқдалар. Уларнинг ишлаб чиқариш нормаси ўртача 108—110 процентни ташкил этяпти.

Ҳ. САЙДУЛЛАЕВ.

Шаҳримизнинг Киров райони тобора обод бўлмоқда. Районда турар-жой бинолари, маданий-маиший ва болалар муассасалари қурилиши кенг кўламда давом этмоқда. Кўкаламзорлаштириш ишлари ойлиги муваффақият билан якунланмоқда. Сиз мана бу фотолавҳада районнинг янги Хуршид проспекти манзарасини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Бинокорларнинг байрамолди совғаси*

Янги ютуқларни кўзлаб

Пойтахтимизнинг барча меҳнаткашлари қатори Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 159-трестнинг кўп сонли қурувчилар отряди ҳам ўнинчи беш йилликнинг охирги йилини меҳнатда янги ютуқлар билан якунлаш, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини янги ғалабалар билан кутиб олиш учун тайёргарлик кўришяпти. Ўтган тўққиз ойлик иш натижаларига кўра трест коллективи 16,7 миллион сўмликдан кўпроқ пудрат ишларини амалга оширди. Ўз ишлари ҳисобига эса 8,7 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, бу борадаги топшириқ 107,8 процент қилиб адо этилди. Ўтган давр ичида 20,4 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Бу борадаги планни трест бинокорлари 104,3 процент қилиб адо этишди.

Бундан ташқари, тўққиз ой мобайнида 3136 ўринли иккита янги мактаб, 960 ўринли тўртта болалар боғчаси, шунингдек ўрмончилар уйи корпуси, «Саёҳат» меҳмонхонаси учун янги бино, ирригация институти ўқув корпуси, Тошкент тамаки фабрикаси биноси, меҳнат ветеранлари дам олиш уйи, шунингдек бошқа объектлар фойдаланишга топширилди. Бу объектларнинг кўпчилигида қурилиш ишлари сифатли бажарилиб, улар ўз пайтида буюртмачиларга топширилди.

Трест коллективи қўлга киритаётган бу ютуқларда қурилиш ишлаб чиқаришини узлуксиз интенсивлаш, янги иш технологияси, прогрессив методлардан унумли фойдаланиш каби тадбирларнинг ҳиссаси катта. Кейинги йилларда трестдаги кўпчилик бригадалар Злобин методи асосида бригада пудрати методи бўйича ишлашга ўтказилганлиги ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозир трестдаги злобинча бригадалар сони 27 тага етказилди. Басов методи бўйича эса 82 коллектив иш олиб бормоқда. Трестнинг учта илғор қурувчилар коллективи икки беш йиллик планни бажариб ҳозирда ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда. Яна тўртта бригада коллективи беш йиллик топшириқларини муддатидан саккиз ой илгари адо этиб, 1981 йилнинг охирги ойлари ҳисобига ишлаяпти. Шу кунларда 159-қурилиш трестининг яна еттита бригадаси Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги байрамини беш йиллик топшириқларини бажариш билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Ватанпарварлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳам трест бўлинмалари ўртасидаги социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш имконини беряпти. Масалан, ҳозир 44 та бригада 1-уйсозлик комбинати илғор бригадаларининг «Беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш» ташаббусига қўшилиб ишлаб юксак меҳнат кўрсаткичларига эришмоқда.

Трестга қарашли 10-қурилиш бошқармасининг Ринат Гайнулин бошлиқ бригадаси коллективи эришаётган ютуқлар айниқса салмоқлидир. Икки беш йиллик топшириқни доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида бажариб бўлган бригада азаматлари ўтган давр мобайнида бир ярим миллион сўмлик ўрнига 1,6 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Тўрт йил-у тўрт ой ичида коллектив 19 минг квадрат метр саҳнли уй-жойларни қуриб фойдаланишга топширди. Ҳозир улар шаҳримизнинг «Олмазор» микрорайонида тўққиз қаватли уй-жойлар қурилишида зарбдор меҳнат қиляптилар. Бинокорлар йил бошидан буён 20 минг сўмликдан зиёд қурилиш материалларини тежаб қолишди.

Трестнинг 9-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Виктор Петров бошлиқ злобинчи коммунистик меҳнат бригадаси ҳам пешқадамлар сафида бориб, 1983 йилнинг октябрь ойи ҳисобига тер тўкяптилар. Шу бошқарманинг В. Миллер бошлиқ бригадаси коллективи эса 1986 йилга ҳисоб очди. В. Петров ва В. Миллер бошлиқ бу иккала бригада пойтахтимизнинг Октябрь районидаги Оқлон кўчасида 1568 ўринли мактаб қурилишини муддатидан тўрт ой илгари олиб боришяпти.

22-қурилиш-монтаж бошқармасининг А. Юнусов, В. Воронов, бошлиқ бригадалари ҳам мусобақада яхши кўрсаткичларни эгаллаб келишаяпти. Улар Луначарский кўчасининг жануб томонидаги янги микрорайонда қад кўтараётган мактаб қурилишида муваффақиятли ишламоқдалар.

Трестга қарашли 10-қурилиш бошқармасининг Н. Ҳакимзянов бошлиқ злобинчи бригадаси эса бу ерда 320 ўринли болалар боғчаси қурилишини муддатидан бир ярим ой илгари фойдаланишга топширишга аҳд қилган. Шунинг учун ҳам улар ҳар дақиқа иш вақтидан унумли фойдаланиб, қурилиш ишларини аниқ маромда ташкил этишга, механизация воситаларини оқилона ишлатишга катта аҳамият беряптилар. Бу эса ютуқлар омили бўляпти.

Меҳнат Қизил байроқ орденли 159-қурилиш трестининг юқорида санаб ўтилган бу илғор бригадалари Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги байрамини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олишмоқда.

Т. НАЖМИЙ,
жамоатчи мухбир.

Тошкент ва тошкентликлар — ТО конкурси

•

«ХОРДИҚ ПАЙТИ», А. Жданов фотоэтюди. («Спецстальконструкция»нинг Марлен Шокиров (ўртада) бошлиқ монтажчилар бригадаси Тошкентда ноёб телеминора қурилишида актив иштирок этяпти).

•

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Тажрибани ўртоқлашмоқда

БУДАПЕШТ. Тармоқдаги энг йирик корхоналардан бири бўлган Мишкольцдаги В. И. Ленин номли металлургия комбинатида совет металлургия саноати кунлари бошланди. Бу ерга келган совет мутахассислари, ишчилари иш тажрибасини ўртоқлашадилар, совет металлургиясининг сўнгги ютуқлари ҳақида гапириб берадилар. Совет мутахассислари Венгриядаги ана шу корхонага тез-тез келиб турадилар. Буларнинг бевосита иштирокида бу ерда йирик цехлар қурилди. Бу цехларда совет техникасидан кенг фойдаланилмоқда. Ҳозир Совет—Венгрия ҳамкорлиги доирасида комбинатда янги конвертор цехи қурилмоқда. Бу цех металлургия саноати беш йилликнинг энг йирик қурилиши деб эълон қилинди.

МАРРАДАН ЎЗИБ

БУХАРЕСТ. Руминиядаги энг йирик «темир дарвоза» деб аталган гидростанцияда йил бошидан буён беш миллиард киловатт соатдан зиёд электр энергия ҳосил қилинди. Станция коллективи шу беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарди. ГЭС коллективи беш миллиардлик маррани графикда кўзда тутилганидан бир ой илгари эгаллади. Дунай дарёсидаги ГЭС пландан ташқари 850 миллион киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарди. Совет Иттифоқи етказиб берган машина-ускуналарнинг аниқ пухта ишлаганлиги ГЭС меҳнаткашларининг муваффақиятига ёрдам берди.

Меҳнат муваффақияти

СОФИЯ. София аҳли меҳнатда катта ғалабага эришди— меҳнаткашлар ижтимоий меҳнат унумдорлиги юзасидан беш йиллик планни белгиланган муддатдан анча барвақт бажарганликлари тўғрисида ватанга рапорт бердилар.

София шаҳар партия ташкилотининг раҳбарлигида саноат корхоналарида, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалик ташкилотларида, пойтахт экономикасининг ҳамма бўғинларида юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазияти вужудга келтирилди. Пойтахт аҳолиси БКП XII съездигача қолган кунларни меҳнатда катта ютуқларга эришиш кунлари деб эълон қилишди. Саксондан кўпроқ корхона ва ташкилот, бир мингдан ортиқ бригада ва цех барча кўрсаткичлар бўйича ҳозирдаёқ беш йиллик планларини бажариб қўйишди.

«СССР учун мўлжалланган маҳсулотни барвақт ва юқори сифатли қилиб ишлаб чиқарамиз» ҳаракати Софияда социалистик мусобақанинг таркибий қисми бўлиб қолди. Телефон ва телеграф техникаси заводи, «Электроника» заводи, оптик-механик заводи ва бошқа корхоналар Совет Иттифоқига маҳсулот экспорт қилишда катта муваффақиятларга эришдилар.

СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ

ДЕҲЛИ. Пинньядаги (Бангалор яқинида) Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти космик тадқиқотлар марказида «Бхаскара» туркумидаги ер сунъий йўлдоши янги моделининг лаборатория синовлари якунловчи босқичи бошланди.

«Бхаскара—2» ўзидан олдинги «Бхаскара—1» йўлдошидан бир қанча техникавий такомиллаштиришлари билан фарқ қилади. Қўшимча равишда ўрнатилган микротўлқинли асбоб-ускуна илмий тадқиқотлар учун, жумладан, атмосферадаги намлик миқдорини аниқроқ ўлчаш учун имкониятларни анча кенгайтиради. Ҳиндистоннинг янги йўлдошини аввалги икки аппарат каби СССР территориясидаги космодромдан совет мутахассисларининг ёрдамида учириш мўлжалланмоқда, деди космик тадқиқотлар марказининг директори профессор Удипи Рамачандра Рао ТАСС мухбири билан суҳбатда.

У. Р. Рао «Бхаскара—1» ичига ўрнатилган илмий аппаратлар ишининг натижаларини ижобий таърифлаб, Бангалордаги учишни кузатиш маркази Ҳиндистоннинг метеорология хизмати учун каттагина илмий ва амалий аҳамиятга молик бўлган кўп ҳажмдаги ахборотни олаётганлигини маълум қилди. Ҳар куни йўлдош ичидан Ҳиндистон территорияси ва Ҳинд океанининг айрим фотосуратлари, Ҳиндистон мутахассислари яратган замонавий телеметрия аппаратларининг бошқа маълумотлари келиб турибди.

У. Р. Рао космосни тадқиқ этиш режалари тўғрисида гапириб, Ҳиндистон 1985 йилгача ўзимизнинг учирувчи ракетамиз ёрдамида «Бхаскара» туркумидаги йўлдошни Ҳиндистон территориясидан ер атрофи орбитасига чиқаришни планлаштирмоқда, деди.

Германия Демократик Республикаси—иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий жиҳатидан жаҳондаги энг тараққий этган давлатлардан биридир.

СУРАТДА: Дрезден суратлар галереяси.

ТАСС фотохроникаси.

ФИЛАТЕЛИЯ БУРЧАГИ

БЕРЛИН. ГДР почта ва телеграф министрлиги бир туркум ажойиб рангли маркаларни нашр этишга тайёрлади. Бу маркаларда кўп истеъмол қилинадиган қўзиқоринлар тасвирланган. Европа мамлакатлари территориясида ўсадиган бу қўзиқоринларни рассом Герхард Шмидт чизган. Маркаларнинг нархи 5 феннигдан 70 феннигачадир.

• • •

ЖАЗОИР. Бу ерда ўрта аср шарқининг буюк мутафаккири ва энциклопедист олими Абу Али ибн Сино туғилганининг 1000 йиллигига бағишланган почта маркаси чиқарилди. Икки Жазоир динари турадиган маркада атоқли олимнинг портрети тасвирланган.

Қаршилик кучаймоқда

ГАВАНА, (ТАСС). Америка империализми ҳарбийларга ва маҳаллий олигархияга таяниб, Гватемалани қонли бедодлик ҳукм сурувчи ўз мустамлакасига айлантириб олди. Гватемаланинг 1954 йилда ағдариб ташланган Х. Арбенс бошлиқ ҳукуматида ташқи ишлар министри лавозимида бўлган Мануэль Галич Кубада чиқадиган «Гранма» газетасида шу ҳақда ёзади.

1954 йилда ёлланган қотилларнинг АҚШ уюштирган қуролли интервенцияси натижасида Гватемалада ўрнатилган реакцион зулмкор режим мамлакат бошига тушган кулфат бўлди.

Зулмкор органлар ва фашистсимон газандалар гватемалаликлардан 80 мингдан кўпроқ кишини ўлдирганлиги америкача режим ҳокимият тепасида турган пайтдаги аянчли статистикани ташкил этади, деб ёзади М. Галич.

Гватемаладаги режимнинг репрессиялари генерал Лукас диктатурасининг сўнгги йилларида айниқса кучайди, деб уқтирилади мақолада, озодлик ва демократияни талаб қилиб чиққан ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, студентлар ҳукумат маъмурларнинг шафқатсиз тартиботларига дучор қилинмоқда. Кўпгина ватанпарварлар қамоққа олинганидан ёки ўғирлаб кетилганидан кейин қамоқхона зиндонларида «ном-нишонсиз ғойиб бўлиб қолмоқдалар».

Бироқ, деб таъкидлайди М. Галич, бедодликка қарамай гватемала халқининг диктатурага қаршилиги кучаймоқда, реакцион режимни ағдариб ташлаш учун курашаётган революцион кучларнинг бирлиги, жипслиги янада кўпроқ мустаҳкамланмоқда.

Камомад камаймоқда

МАДРИД. Матбуот хабарларига қараганда, Испания савдо балансининг камомати шу йилнинг дастлабки 8 ойи мобайнида рекорд миқдорга — 593 миллиард 312 миллион песетага етган. Бу —бутун 1970 йилдаги камоматдан ҳам ортиқдир.

Август ойининг бир ўзида камомат ўтган йилдан шу ойдаги тегишли кўрсаткичдан 62 процентдан зиёд ошиб кетди. Испания маҳсулотини чет элларга сотиш паст суръатлар билан ўсган бир пайтда мамлакатга чет эл молларининг келтирилиши бунинг сабабларидан бири бўлди.

Нефть ва нефть маҳсулотларини импорт қилиш айниқса кескин кўпайди. Чет эллардан сотиб олинган нефть ва нефть маҳсулотларининг қиймати шу йилнинг дастлабки саккиз ойи ичида ўтган йилнинг мана шу даврига нисбатан қарийб 81 процент кўпайди.

Катамаранда океан орқали

ПАРИЖ. Олти япон тадқиқотчиси антик замонларда ҳам Осиё билан Америка ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар бўлганлигини исбот этмоқ учун чорроқ бир катамаранда Тинч океанини кесиб ўтди.

Улар ўша узоқ замонларда осиёлик балиқчилар ишлатган кемага ўхшаш оддий бир кемачада эшкак эшиб, елкан тутиб океанни кесиб ўтдилар ва Африка портига (Чили) эсон-омон етиб бордилар. Денгиз сайёҳлари саёҳатни Япониядан бошлаб Қўшма Штатларнинг ғарбий соҳилларигача етдилар, сўнгра Лотин Америкасининг қирғоғи бўйлаб жануб томон бурилдилар.

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

✦ Тўғрилик, хушмуомалалик, ҳалол меҳнат саодатмандлик нишонасидир.

✦ Ҳар одамнинг бахти, саодати унинг орзу ва тамаъларига қараб бўлади. Очкўз, тамаъгир одам — бахти ва саодати энг оз бўлган одамдир.

✦ Одамлар бир-бирларига муҳтождирлар. Масалан: ишчилар деҳқонларнинг, деҳқонлар эса ишчиларнинг эҳтиёжларини ўтайдилар, ҳамма касб эгалари шундайдир. Одамларга аралашмасдан ёлғиз яшаш мумкин эмасдир.

Байт:
Ушла жамият этагин, ушлагил,
Ҳеч бир иш ёлғизлик ила битмагай.

✦ Олимлардан Ризоуддин ибн Фахруддин айтади:

— Ялқовлик, нафс орзусида юришлик одам ўғлига касаллик келтиради, табиатни бузади, муҳтожликка эриштиради. Шунинг учун ялқовланиб, ишсиз ўтиришдан сақланиш лозимдир.

Ишларга ишнинг сонига эмас, сифатига қараб баҳо берилади. Ишлаб чиқарган нарсаларингиз, молларингиз сифатли бўлиб халққа мақбул ва марғуб бўлсин. Шу билан халқ қошида обрў, иззат ва ҳурматта эга бўласиз, эътиборингиз кўтарилади.

Вақтини бекордан бекорга ўтказмаган одам пулини ҳам кераксиз ерларга сарф этмайди, шунга кўра пул ва молингизни бўлмағур ерларга сарф этманг, тадбирли бўлинг, исрофдан сақланинг, тежамли бўлинг, иқтисодга риоя қилинг.

Болаларингизни ёшлик чоғларидан бошлаб гўзал тарбия этишни унутманг, уларнинг кўнгилларига гўзал ҳулқ уруғларини сочинг, одамгарчилик, эзгулик нима эканини уларга билдиринг. Бу дунёда одам фақат иш ва меҳнат соясидагина қадр-қимматга эга бўлишини, ҳар ким ўз ишини ўзи бажариши кераклигини, ялқовланиб бошқаларга юк бўлиш тўғри эмаслигини фарзандларингизга яхшилаб уқдиринг.

Гўдак

Бахтли гўдак! Қаранг, қандай роҳатланиб ширингина ухлаб ётади. Бутун вужудини тинчлик ўраб олган. Кўкрагини бир кўтариб, бир тушириб чиройли нафас олишлари кишига қандай завқ-шавқ пайдо этади.

Бахтли гўдак, ухла, сенинг ҳар вақт тинчлик ичида бўлишингни тилаган шафқатли онанг ширингина ухлаб ётганингни кўриб жилмайиб сенга қараб турибди, ухла, ухла, дўндиқ бола!

Сен катта одамлар каби ҳар хил қўрқинчли тушлар кўрмайсан. Уйғонар-уйғонмас онажонинг юзига қараб кулишдан бошқа ишинг йўқ, қандай ширин, кўркам куласан. Кулар юзингни кўрган сайин онанг ҳам кулиб, унинг юрагида бир севинч пайдо бўлади. Дарҳол сени шафқатли қучоғига олиб кўкрагига босади, «айланай, қўзичоғим, оппоғим» деб эркалайди, сен жавоб ўрнида кўркам куласан ва ширин-ширин эмишга киришиб, кейин онангнинг юмшоқ қучоғида роҳатланиб уйқуга киришасан. Эй бахтли бола, сенинг тинчлигинг, бахт ва саодатингни тилаган меҳрибон онанг қучоғида мириқиб ухла!

✦ Шайх Саъдий айтади:

Ҳикоят: — Бир вазирнинг жуда ҳам аҳмоқ ва зеҳнсиз ўғли бор эди. Вазир бир олимга мурожаат қилиб:

— Ўғлимни сизнинг қўлингизга топширaман, ўқитинг, яхши тарбияланг, тарбиянгиз соясида ўғлим ақлли ва тарбияли бўлиб етишар деб умид этаман, — деди.

Олим вазирнинг илтимосини қабул қилиб, унинг аҳмоқ ўғлини тарбия қилишга киришди. Бир неча йил тарбияласа ҳам вазирнинг аҳмоқ ўғлига тарбияси таъсир қилмади. Ниҳоят олим безор бўлиб, бир киши орқали:

— Ўғлингизни шунча тарбия қилсам ҳам тарбиям унга асло таъсир қилмади, шунча саъйи-ғайратим бекорга кетди ва мени девона этиб қўйди,— деб хабар юборди.

✦ **Ҳикоят:** — Одамлар бир қари кишига:

— Нега хотин олмайсиз? — дедилар.

Қари киши уларга:

— Қари хотин олишни истамайман,— деди.

Одамлар яна унга:

— Кўпгина мол-мулкка эга, бой одамсиз, ёш хотин олишга ҳам кучингиз етади, қари хотин олишни истамас экансиз, бир ёшроқ хотинга уйлансангиз бўлмайдими? — деган эдилар, қари киши шундай жавоб берди:

— Мен қари хотин олишни истамас эканман, ёш хотин қандай қилиб мендек қари одамга тексин, у ҳам албатта ўз тенги — ёшни истайди.

✦ **Ҳикоят:** — Жолинус ҳаким бир нодон жоҳил одам бир олимнинг ёқасидан ушлаб, уни ҳақорат қилиб турганини кўриб айтди.

— Агар бу одам чиндан ҳам олим ва ақлли одам бўлсайди, жоҳил нодон билан олишиб, ўзини шу ҳолга туширмас эди.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

Бош пландан бир лавҳа

ПРОСПЕКТ ЖАМОЛИ

Пойтахтимизнинг 1 Май проспекти кун сайин гўзаллашиб боряпти. Кўча атрофида қад кўтараётган осмонўпар бинолар, ноёб архитектура комплекслари пойтахтимиз ҳуснига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушяпти. «Узгипротяжпром» институти 3-архитектура-қурилиш бўлимининг меъморлари 1 Май ва Куйбишев кўчалари кесишадиган чорраҳа бурчагида қуриладиган яна бир гўзал бинони лойиҳалаш ишларини тугаллашди.

СССР Госстройининг лойиҳалаш институтлари ҳамда «Средазхимремстроймонтаж» трестининг инженерлик-лаборатория корпуслари жойлашадиган бу саккиз қаватли бино иккита мустақил корпусдан иборат бўлиб, улар 1 Май ва Куйбишев кўчаларида жойлашади.

Шу кунларда Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 11-«Висотстрой» тресги 1-қурилиш бошқармаси бинокорлари 1,4 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга ошириладиган комплекснинг биринчи навбати ишларини жадал олиб боришяпти. Бу корпусда Бутуниттифоқ «Стальконструкция» институтининг Тошкентдаги филиали ҳам жойлашади.

«Узгипротяжпром» институтининг лойиҳа бош инженери В. Андреев ва 3-архитектура қурилиш бўлими бошлиғи Кожаринлардан иборат авторлар коллективи бу муҳташам бинода ишловчилар учун бир қатор замонавий қулайликлар яратишга алоҳида аҳамият бердилар.



СУРАТДА: пойтахтимизнинг 1 Май проспектида қурилаётган муҳташам бинонинг эскизи.

ШАНБА ОҚШОМИ

● ДОНОЛАР БИСОТИДАН ● ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА ● ПРОСПЕКТНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ ● АЖОЙИБОТЛАР

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИНИ ЎРГАНАМИЗ

ЖОНЗОДНИНГ ЯГОНА ҚУРОЛИ

Она табиат дунёдаги барча нарсага, шу жумладан жонзодларга ҳам турли-туман шакл-шамойил берган. Қизиқ, ҳайвонот оламига шундай назар ташласангиз, уларнинг думини кўриб ҳайрон қоласиз. Думсиз ҳайвонлар эса саноқли учрайди.

Ана энди тарихга бир назар ташлайлик. Эрамиздан миллион йиллар олдин ер юзида диназавр калтакесаги яшаган. Унинг баландлиги олти-етти метр бўлиб, доимий равишда икки оёғида турган, аммо таянч вазифасини думи бажарган.

Австралияда яшайдиган кенгуруни олайлик. У икки оёғи ва думига таяниб туради, агар думи бўлмаса, ҳаёт кечириши қийин, чунки олдинги икки оёғи жуда калта. Африкада яшайдиган пангамин деган ҳайвон думи билан ҳаракат қилади, бу ҳайвоннинг устки қисми шохсимон модда билан қопланган бўлиб, остки қисмида думи бор. Агар бирон душман ташланса, дарҳол думини қопқон қилади-ю, ичига яширинади, шунда уни ҳар қандай йирик кушандаси ҳам ея олмайди.

Айрим маймунларда дум қўл вазифасини бажаради. Маймун у дарахтдан бу дарахтга сакраш пайтида бемалол думига осилиб, меваларни узиб еб кетаверади.

Шуниси қизиқарлики, дум айрим пайтларда ҳайвонлар учун парашют вазифасини ўтайди. Масалан, кичик олмахон дарахтдан ерга сакраш пайтида думи кенгайиб очилади, гўёки парашютдек бўлиб ерга тушади. Бурундуқ деган ҳайвон ҳам баландликдан бемалол думига таяниб ерга сакрайди.

Дум ҳимоя вазифасини ҳам бажаради. От, сигир каби ҳайвонларда дум анча чўзилган бўлиб, бу уларга жуда асқотади. Жанубий Африкада шундай бир чивин яшайди: уни африкаликлар заҳарли «Цеца» дейишади. Бу чивин сигирни, отни ва бошқа ҳайвонларни чақиб ўлдирар экан. Қарангки, кўп ҳайвонлар думи билан ўзини ҳимоя қилиб, бу чивин чақишидан сақланиб қолади.

Саҳроларда тикан думли калтакесак яшайди, у ўз душманини кўриши билан қочишга улгуролмаса, дарҳол думини шартта узиб ўз рақибининг оғзига тўғрилаб отади, рақиби унинг думини тишлаб қолаверади, ўзи эса тезда жуфтакни ростлайди. Бир ҳафта ичида калтакесак думини қайта тиклаб олади. Бу ҳодиса фанда регинирация ҳодисаси дейилади.

Тимсоҳ, катта эчкимарларда ҳам дум қурол вазифасини бажаради. Масалан, Нил тимсоҳлари кун қиздирган пайтда қалин ўтлар ва дарахтлар остида бекиниб ётади. Бундай пайтларда, антилопалар, буғулар, кийиклар сув ичишга келади. Тимсоҳ пойлаб туриб, ҳайвоннинг оёғига думи билан уради, шу зумдаёқ антилопа йиқилади ва тимсоҳ уни тезда сувга тортиб кетади.

Дум баъзида ҳайвонларда пўстин вазифасини ўтайди. Қишда барча мўйинали ҳайвонлар — норка, бўрсуқ, сассиққўзан каби ҳайвонлар думига бошини тиқиб ухлайди, дум эса маълум иссиқликни сақлаб туради.

Лекин думли ҳайвонлар орасида думсизлари ҳам яшайди. Булар одамдан икки баравар катта — горилла, орангутан, шимпанзе каби маймунлардир. Булар одамдек икки оёғига таяниб юради.

Р. АБСАМАТОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология ва паразиталогия илмий тадқиқот институтининг илмий ходими.

● Ғаройиб ўсимликлар салтанатида

Денгизнинг шифоли марҳамати

Маълумки, денгиз ва океанлар инсоният учун катта манфаат келтиради. Илмий маълумотларга қараганда, денгиз сув ўтлари атмосфера ҳавосининг аксарият қисмини поклаб беради. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, келажакда инсоният денгиз оқсилларига анча қарам бўлиб қолади.

Дори-дармон бериш борасида ҳам денгизларнинг, унинг бағрида яшайдиган мавжудот ва ўсимликларнинг фойдаси катта. Аниқ бўлган маълумотларда келтирилишича, денгиз ва океанларда бир юз эллик мингтадан ошиқ турлаги жониворлар мавжуд бўлиб, уларнинг бир қатори шифобахш хосиятлари билан ажралиб туради.

Тропик денгизларда жуда кўп учрайдиган денгиз илонида қонни зуллик билан тўхтата оладиган модда борлиги аниқланди. Денгиз юлдузлари асосида тайёрланадиган суртма ва малҳамлар жароҳат ва яраларни тез эт олдиради.

ТИКАНСИЗ АТИРГУЛ

Маълумки, чиройли очилган атиргулни бандидан ушламоқчи бўлган ҳар бир киши тиканлари қадалмаслиги учун жуда эҳтиёт бўлади. Бундай эҳтиёткорликка ГФР мутахассислари чек қўйдилар. Улар атиргулнинг янги — тикансиз навини етиштирдилар, қайсики бу мутахассислар ўртасида шов-шувга сабаб бўлди. Тиканларни йўқотиш бўйича қарийб 20 йил тажрибалар ўтказилди, бу давр мобайнида икки юздан ортиқ пайванд ишлари қилинди.

ШИМОЛ СМОРОДИНАСИ

Мурманскнинг «Полярний» совхози ишчилари экин майдонларидан смородина ҳосилини йиғиб олдилар. Шу вақтга қадар шимолий кенгликларда бу мевани фақатгина олимлар етиштиришга эришган эдилар.

«Полярний» миришкорлари совуқ иқлимли шимол ерларида смородина билан бирга, ёввойи қулупнай ва бошқа турли деҳқончилик экинлари ҳосилини етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Рассом табассуми

— Харажат нетта-ку, оғайнилар, йўл бўлсин?
— Боқивой насалхонадан чиққан экан, кўргани кетаяпмиз.

ВРАЧ: — Охирги тишингиз экан, суғуриб ташламасимдан олдин бир тўйиб овқатланиб келасизми?

«УЧАР»: — Мен ишламаган ташкилот ҳам қолмабди шекилли...

Р. Убайдуллаев расмлари.

ХАВФЛИ «МЕҲМОНЛАР»

Малайзиянинг Селангор штатидаги Кажанга шаҳрида одамлар яшайдиган уйнинг ваннахонасига кириб олган катта қобра илонини тутиш учун ўт ўчирувчилар командасини чақиришга тўғри келди.

Ут ўчириш командалари хавфли «меҳмонлар»дан қутилишда ёрдам бериш учун шаҳарликларнинг чақиригига мувофиқ тез-тез бориб турадилар. Кейинги бир ой ичида шу йўл билан бир неча кобра, питон ва бошқа илонлар тутиб олинди.

● ФОТОКАЛЕЙДОСКОП

Унгдаги суратда тасвирланган митти қарри соат Японияда ясалган. Унинг ижодкорлари бу жаҳондаги энг кичик соат деб таъкидламоқдалар. Соат механизмининг ҳажми 9х7 миллиметрга тенг, қалинлиги эса 2 миллиметрни ташкил этади. Катталаштирилган суратда ана шу соат таққослаш учун бир ҳовуч гурунч устида танга, марка ва гугурт чўпи билан тасвирланган.

ДПА—ТАСС фотоси.

Қизиқарли кўргазма

Халқ орасида табиатни ўзгартирувчи буюк олим номини олишга муяссар бўлган биолог олим И. В. Мичурин ўзининг сермазмун ҳаёти давомида 300 га яқин янги нав мевалар яратиб, уларни иқлимлаштириш соҳасида ажойиб тажрибалари туфайли жанубнинг мева ва резавор мева ўсимликлари чегараси шимолга қадар анча кенгайди. Масалан, ўрик дарахтлари шимолга 700 километр, гилос 500 километр, ток 1000 километр шимолга кўчирилиб, улардан яхши ҳосил олинди.

Яқинда И. В. Мичурин туғилган кунига 125 йил тўлиши муносабати билан А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси кўргазмалар залида катта китоб-иллюстрация кўргазмаси очилди. Ундаги 100 дан ортиқ ўзбек ва рус тилларидаги китоблар — Мичуриннинг ўсимлик ва меваларнинг янги навларини яратиш тажрибалари, илмий асослари ҳақида ҳикоя қилади.

Д. ТУРДИЕВ.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ..

ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Ҳурматли редакция! Менинг қуйидаги бир неча саволларимга жавоб беришларингизни сўрайман.

1. Улуғ Ватан уруши инвалидларига коммунал хизмати ҳақи 50 процент камайтирилгани ҳақида қарор чиққан эди. Меҳмонхонада туриш, манзилга поездда бориш, телефондан фойдаланиш, радиоточка ҳақи ҳам 50 процент камайтирилганми?

2. Шаҳримизнинг Энгельс кўчасининг Олой бозори ёнида туннель қурилиши ҳақида хабар эълон қилинган эди.

3. Тошкент тамаки фабрикаси қачон қурилган, унда қандай папирослар ишлаб чиқарилади?

4. Тошкентда янги ҳайвонот боғи барпо этилиши ҳақида хабар қилинган эди. Бу борадаги ишлар қандай боряпти?

П. ҒИЁСОВ,
Улуғ Ватан урушининг II группа инвалиди.

⊙ **Улуғ Ватан уруши инвалидларига партия ва ҳукуматимиз кўпгина қулайликлар ва шу билан бирга имтиёзлар яратиб бермоқда.** Коммунал хизмати ҳақининг 50 процент камайтирилгани ҳам улар учун яратилган имтиёзлардан бири ҳисобланади. Бу ерда коммунал хизмати ҳақи деганда бевосита ўзингиз яшаб турган уй-жой майдонидан фойдаланиш ҳақини тушунмоқ керак. Бунга уйни иситиш, сув ва газдан фойдаланиш, телефон ва радиоточка ҳамда бошқа шу каби хизмат ҳақлари киради.

⊙ **Кейинги йилларда шаҳримизда янги проспектлар, кўчалар, майдон ва хиёбонлар ҳамда ер ости ўтиш йўлларн бунёд этилмоқда.** Буларнинг барчаси партия ва ҳукуматимизнинг совет кишиларига, шу жумладан, пойтахтимиз аҳолисига кўрсатаётган жуда катта ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Энгельс кўчасидаги Олой бозори ёнида ҳам ер ости ўтиш йўли қуриш кўзда тутилмоқда. Унинг лойиҳаси тугалланган. Шуни айтиш кераккн, бу ерда ер ости ўтиш йўли қурилиши бир қатор объектларни, масалан, 3-пиво заводини бошқа жойга кўчириш, кўпгина турар жой биноларини бузиш ишлари билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ер ости ўтиш йўлини қуриш ишларини бошлаб юборишдан олдин юқоридаги тадбирларни амалга ошириш, уйжойлари бузиладиган хонадонларга эса янги квартиралар қуриб бериш талаб этилади.

⊙ **Тошкент тамаки фабрикасига Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари асос солинган эди.** Аммо ўтмишда у хусусий кишилар қўлида эди. 1926 йилда ҳозирги фабрика бунёд этилди. Бу ерда саккиз номда маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, «Беломорканал», «Голубие купола», «Метро», «Тошкент» фильтрли сигареталари, шунингдек, «Прима», «Памир» фильтрсиз сигареталари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

⊙ **Тошкентда янги ҳайвонот боғи барпо этилиши ҳақида Тошкент шаҳар Советн ижроия комитети архитектура-планлаш т нриш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. Е. Русанов** шундай жавоб беради:

— «Ташгипрогор» лойиҳалаш институтининг лойиҳачи-архитекторлари бу ўзига хос боғ лойиҳасини тугаллашган. Шаҳар қурилиши бош планига кўра, янги ҳайвонот боғи салкам 100 гектар майдонни эгаллайди. У Октябрь ва Чилонзор районлари оралиғида жойлашади. Ҳозир қурилаётган «Москва» меҳмонхонаси ортидаги жарликлардан бошлаб то Оқтепадаги эски қалъагача бўлган майдонни эгаллайди. Бу йил янги ҳайвонот боғининг инженерлик асослари ўзлаштирилияпти. Шуниси характерлики, бу боғнинг устидан дор йўли бунёд этилиб, боққа ташриф буюрувчилар ана шу ўзига хос дор йўлида — баландликда ҳайвонот боғи оламини кузатиш имкониятига эга бўладилар.

● Дам олиш соатида

КРОССВОРД

Азиз оқшомхон! Мазкур кроссворддаги ҳар бир номерда бештадан катак берилган. Лекин саволларга олти ҳарфли сўзлар топилиши лозим ва шу катакларга тўғри жойлаштирилиб, ҳар бир жавоб сўзидан кўрсатилган рақам тартибидаги ҳарфлар қўшиб ўқилса, ўзбек халқ мақолларидан бири келиб чиқади.

1. Ер юзида жониворлар ичида энг тез чопадиган қуш (3); 2. Узумнинг Фарғона нави (6); 3. Спорт тури (1); 4. Уйғурча рақс (2); 5. Совет болалар ёзувчиси (4); 6. Ҳамид Ғулом романи (2); 7. Химиявий элемент (6); 8. Йиртқич ҳайвон (5); 9. Ўзбекистондаги тоғ (3); 10. Греция давлати жойлашган ярим орол (4); 11. Космик кема номи (5); 12. Сабзавот тури (3); 13. Тош хили (5); 14. Тинчлик рамзи бўлган қуш (6); 15. Ҳамза тахаллуси (3); 16. Ўзбек қўшиқчи шоирларидан бири (3); 17. Адабий жанр (2); 18. Музика чолғу асбоби (4); 19. Мактаб ёзув қуроли (1); 20. Ҳажвий киножурнал (5); 21. Таом тури (3); 22. Пойтахт шаҳар (4); 23. Медицина хизматчиси. (2); 24. Қизлар исми (4).

Тузувчи: **А. МИРЗАЕВ.**

18 ОКТЯБРДАГИ «МЕДИЦИНА» ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Курорт. 2. Термометр. 3. Рентген. 4. Невропатолог. 5. Гиппократ. 6. Терапевт. 7. Трахома. 8. Аптека. 9. Алоэ. 10 Эндокринолог. 11. Глюкоза. 12. Аппендицит. 13. Таблетка. 14. Анальгин. 15. Наркоз. 16. «Здоровье».

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга Қ. Дўсстов, А. Мирзаев, М. Мирзаев, А. Тошбоев, П. Бобохонов, Н. Қозоқов, Х. Имомов, О. Расулов, Т. Худойбердиева, Д. Худойбердиев ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб юборишган. Хат йўллаган оқшомхонларга редакция ташаккур изҳор қилади.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

О. ТОҲИРОВА: Эмизикли боласи бўлган аёлларни корхона маъмурияти ишдан бўшатиши мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўзбекистон ССРнинг меҳнат Қонунлари тўғрисидаги Кодексининг 197-моддасига мувофиқ маъмурият ташаббуси билан ҳомиладор аёллар, эмизикли боласи бўлган аёллар ва бир ёшгача боласи бўлган аёлларни ишдан бўшатиш фақатгина корхона, муассаса ва ташкилот тўлалигича тугатилган ҳоллардагина бўлиши мумкин. Ана шундай ҳолларда ҳам маъмурият ишдан бўшатилган аёлларни ишга жойлаштириши лозим. Бошқа барча ҳолларда эса юқорида айтиб ўтилган шахсларни маъмурият ташаббуси билан бўшатишга асло йўл қўйилмайди.

* * *

Р. ҒУЛОМОВ: Аэрофлот томонидан студентларга жорий этилган имтиёзлардан институтларнинг тайёрлов бўлимлари ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкинми?

Жавоб: Аэрофлот белгилаган бундай имтиёзлардан студентлар билан бир қаторда кундузги факультетларнинг тайёрлов бўлимлари тингловчилари ҳам фойдаланишлари мумкин. Бундай имтиёзлар ана шу тингловчилар учун ҳам студентлар сингари 15 ноябрдан бошлаб жорий этилади.

* * *

Ҳ. САИДОВ: Биз, Улуғ Ватан урушининг бир группа қатнашчилари ўзимизни қизиқтирган масалалар юзасидан уруш ветеранлари Совет комитетининг Тошкент секциясига мурожаат қилмоқчи эдик. Ана шу секция қаерда жойлашган?

Жавоб: Уруш ветеранлари Совет комитетининг Тошкент секцияси В. И. Ленин майдонидаги маъмурий бинонинг қаршисидаги уйда жойлашган. Сизлар ўзингизни қизиқтирган барча масалалар ҳусусида шу ерга келиб учрашишингиз мумкин.

* * *

М. ТОҒАЕВ: Мен республика автоҳаваскорлар жамиятига аъзо бўлмоқчи эдим. Шу масалада қаерга мурожаат қилсам бўлади?

Жавоб: Шуни айтиш керакки, автоҳаваскорлар жамиятининг бошланғич ташкилотлари шаҳримиздаги йирик корхоналарда, кооператив гаражлар қурилиши қошида ишлаб турибди. Бундан ташқари жамият вакиллари шаҳримиздаги барча район ижроия комитети қошида ҳам ишламоқдалар.

* * *

Р. СОАТҚУЛОВА: Ишчи ёки хизматчининг қарамоғида турган оила аъзоларига қараб улардан олинадиган солиқ чегириб ташланиши мумкинми?

Жавоб: Агар ишчи ёки хизматчи ўз қарамоғида тўрт ва ундан зиёд кишига эга бўлса унинг маошидан олинадиган солиқ ҳажми 30 процентга камайтирилади. Бунинг учун ишчи ёки хизматчи ўзи меҳнат қиладиган корхона ёки ташкилотнинг бухгалтериясига турар жойидан ўз қарамоғидаги оила аъзоларининг миқдорини кўрсатадиган справка олиб келиб бериши лозим.

* * *

Т. АЗИЗОВ: Биз ўғлимизни Суворовчилар билим юртига ўқишга бермоқчи эдик. Шундай ўқув юрти Тошкентда борми?

Жавоб: Бундай ўқув юрти Тошкент шаҳрида йўқ. Лекин суворовчилар билим юрти мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида мавжуд. Ана шу билим юртларига қабул шартларини билмоқчи бўлсангиз ўзингиз истиқомат қилиб турган район ҳарбий комиссариатига учрашишингизни маслаҳат берамиз. Ана шу ерда Сизга батафсил маълумотларни беришади.

Тошкент ҳайвонот боғида: қутб оқ бойқуши, Байкал нерпаси, пеликанлар.

Р. Загратдинов фотолари.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

1 НОЯБРЬ, 1980 й.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Ҳафталик программа

3 НОЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Темир ошиқ сири». Бадиий фильм. 11.30 Халқаро конкурслар лауреати Г. Жислин ижросида скрипка миниатюралари. 11.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.45 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Эстония Коммунистик партияси I съездининг 60 йиллигига. «Йиллар оша». Ҳужжатли фильм. 15.50 «Олға, болакайлар!». 16.50 «Онамларнинг мактаби». 17.20 Зелена Гура шаҳрида бўлиб ўтган совет қўшиқлари ва Колобжег шаҳрида бўлиб ўтган солдат қўшиқлари фестиваллари лауреатларининг концерти (Польша). 18.10 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Динамо» (Москва). — МАСК. «Динамо» Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Марий АССРнинг 60 йиллигига. 18.50 «Йошкар-Ола». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.05 «Марий чашмаси». Фильм-концерт.

19.45 «КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ». «Иш жойимиз — Арктика». Кўрсатувда СССР Денгиз флоти министри Т. Б. Гуженко ва КПСС Мурманск область комитетининг биринчи секретари В. Н. Птицин иштирок этади. 20.15 «Сўна». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Э. Войничнинг шу номли романи асосида. 1-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Ҳужжатли экран». 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 СССР халқ артистлари Е. Максимова ва В. Васильев ижросида Л. Минкуснинг «Дон Кихот» балетидан саҳналар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Бокс бўйича СССР кубоги учун. Днепродзержинскдан олиб кўрсатилади. 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Халқаро панорама». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун фильм. «Салом, Ральф». 11.55 «Бахтли болалик». Болалар учун фильм-концерт. 12.25 Телевизион ҳужжатли фильм (рус.). 12.45 «Дубравка». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Айиқча ва дарёда яшайдиган кимса». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 19.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Ватанга сидқидилдан хизмат қилайлик» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Нознеъмат бунёдкори» Сабзавоткорлар учун программа. 20.05 «Шеърият дафтаридан». Шукрулло. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Горький номли Фарғона музикали драма ва комедия театри солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Инқилоб чавандозлари». Бадиий фильм. 23.50 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Қурбақа ва эдельвейс». 21.00 Ўқитувчи экрани. «Она тили дарсларида В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятига оид материаллардан фойдаланиш». 21.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 23.30 «Майсаранинг иши». Телеспектакль (рус.).

4 НОЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 «Олға, болакайлар!». 11.15 «Сўна». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.20 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Социалистик давлатларнинг пойтахтлари бўйлаб». Кинопрограмма. 16.00 «Э. Багрицкий поэзияси». Туғилган кунининг 85 йиллигига. 16.30 «Шахмат мактаби». СССР Шахмат федерациясининг раиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. И. Севастьянов, шахмат бўйича жаҳон чемпиони А. Е. Карпов, спорт шарҳловчиси А. Б. Рошаль иштирок этадилар. 17.00 Н. Паганини сонаталарини халқаро конкурслар лауреатлари З. Шихмурзаева (скрипка) ва А. Гарин (гитара) ижро этадилар. 17.15 «Ешлар адреслари». Удмурдистон АССРнинг 60 йиллигига. 18.15 «Удмурдистон булоқлари». Ҳужжатли фильм. 18.45 «Удмурдистон АССР «Италмас» Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». Фан ва техника соҳасида 1980 йилги Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари. Кўрсатувда СССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Е. П. Велихов, БЛКСМ Марказий Комитети ёш олимлар билан ишлаш бўлимининг мудири В. А. Сидоров иштирок этадилар. 20.15 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг СССР халқ артисти Ю. Силантьев раҳбарлигидаги эстрада-симфоник оркестри ижросида революцион қўшиқлар мавзуларига ёзилган фантазия. 20.25 «Сўна». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Биргалашиб куйлайлик, дўстлар». Музикали программа. Танаффус пайтида (23.00)—«Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М)—«Химик» (Воскресенск). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.35) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун фильм. «Ванька». 12.00 «Оила ҳақида мулоҳазалар». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.20 Болалар учун концерт. 12.50 «Инқилоб чавандозлари». Бадиий фильм (такрорий).

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий). 18.35 «Ясамнинг саргузаштлари». Тўқимачилар саройи «Улибка» болалар агитбригадасининг спектакли. 19.00 «Коммунистлар университети». «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ғазал оқшоми». Кўрсатувни Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Узбек артистлари ижросида чет эл Шарқи халқларининг куйлари». 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Ишга тушириладиган объектлар ўз муддатида». Сирдарё ғалла қабул қилиш пункти қурилишида (рус.). 22.30 К. Яшин. «Инқилоб тонги». Ҳамза номли Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 00.30 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Ўқитувчи экрани. «Ўқувчиларни адабиёт дарсига қизиқишини орттириш» (рус.). 20.55 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» — АСК (Москва ҳарбий округи). «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж. 3-давр. 21.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 22.20 «Ҳамқишлоқлар». Бадиий фильм.

5 НОЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 «Ешлар адреслари». 11.15 «Сўна». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беозор учувчилар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 16.30 «Горичилар, қаердасиз!». 17.00 «Рус тили». 17.30 «Звездочёт». Телевизион журнал. Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Ю. Н. Глазков олиб боради. Қалмиқ АССРнинг 60 йиллигига.

18.15 «Яшарган чўл». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.50 Қалмиқ АССР Давлат «Тюльпан» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 19.45 «РСФСР халқ артисти Л. Гурченко ижросида уруш йиллари қўшиқлари». 20.20 «Сўна». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.15 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. «Динамо» (Тбилиси) «Уо Терфорд» (Ирландия). Тбилисидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.00)— «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Қишлоқ янгиликлари». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Гранитас» (Каунас) —МАИ (Москва). Каунасдан олиб кўрсатилади. 23.50 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Бизнинг Чуноккала». Қўғирчоқ фильм. 12.25 Болалар учун. «Уйлаб топ?» (такрорий). 12.55 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Касбим—фахрим». 13.25 «Қойилмақом Фердинанд». Телевизион бадиий фильм (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Зангори филча». Болалар учун мультфильм. 18.30 «Тенгдошларинг ижоди». 19.00 КПСС Марказий Комитети Октябрь пленуми қарорлари — ҳаётга! «Тошкент тўқимачилик комбинати: Беш йиллик якунлари». 1-кўрсатув (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ҳаёт формуласи». «Узбектелефильм» премьераси. 20.00 «Байрам мушоираси». 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Наима Пўлатова ва Икромжон Бўронов концерти. 21.30 Москва «Время». 22.15 «Қора консулнинг ҳалокати». Бадиий фильм. 23.45 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика. «Санъатнинг синфийлиги, партиявийлиги ва халқчиллиги». 20.55 Реклама. 21.15 «Қонун қўриқчилари». 21.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 22.45 «Қўшиқчи». Ижодий портрет (рус.).

6 НОЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 11.15 «Сўна». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беозор учувчилар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 16.30 «Ҳунар-техника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?» Бобруйск бадиий ҳунармандчилик билим юрти. 17.15 «Поэзия». Н. Асеев.

18.15 «Москваликлар — партия съездига». 18.45 «Ералаш» журнали саҳифаларида». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Композитор Н. Песковнинг «Ватанга қасамёд» кантатаси. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг болалар Катта хори ижро этади. 19.55 Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Байрам концерти. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Вақт ҳоким эмас». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Шодлик». Болалар учун фильм-концерт. 11.55 «Миша—сеҳргар». Телевизион бадиий фильм («Узбектелефильм»). 12.25 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Мен— Совет Иттифоқи гражданиман». 12.55 Ў. Умарбеков. «Отилмаган ўқ». Узбек Давлат «Ёш гвардия» драма театрининг спектакли.

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 «Бузоқча». Қўғирчоқ фильм. 17.50 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.20 «Партияга, Ватанга шон-шарафлар». Музикали-адабий композиция. 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.15 «Истеъдод». «Узбектелефильм» премьераси. 19.35 «Ахборот». 19.55 Москва. «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Танаффус пайтида— «Время». 22.15 Тошкент. Узбекистон пахтакорларининг катта меҳнат ғалабаси. Махсус кўрсатув ва концерт. Кўрсатув охирида — Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Айиқча Винни Пух». Қўғирчоқ фильм. 21.15 Тошкент байрам арафасида. 21.45 «Инсонларга нима ҳадя этасан». Телефильм (рус.). 22.05 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам бўлди». Бадиий фильм.

7 НОЯБРЬ — ЖУМА

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 63 ЙИЛЛИГИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 «Москва». Кинокўрсатув. 10.05 «Революция қўшиқлари». 10.45 «Инсон. Ер. Коинот». 11.30 «Улуғ Октябрь Совет шоирларининг шеърлари. 12.05 «СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари». 12.45 Москва. Қизил майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши. Кўрсатув тугагач — Пионерларнинг байрам концерти. 15.30 «Ляля, Руслан ва унинг дўсти Саня». Телевизион бадиий фильм премьераси. 16.35 «Цирк майдонида». 17.10 «Октябрь». Бадиий фильм.

18.50 «Голубой огонёк». 21.30 «Время» информацион программаси. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши ҳақида репортаж. 22.45 «Театр учрашувлари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Телевизион ҳужжатли фильм. 23.30 «Совет тасвирий санъатида тарихий-революцион мавзу». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.45 «Тошкент наҳори». Манзарали фильм. 9.55 Тошкент. В. И. Ленин номли майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг намойиши. Кўрсатув тугагач— «Мактаб манзаралари». Фильм-концерт. 12.45 Москва. «Қизил майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши. Кўрсатув тугагач — Пионерларнинг байрам концерти.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Бор эканда, йўқ экан, асалари бор экан». Болалар учун мультфильм. 18.20 «Янгра, қўшиғим». Байрам концерти. 19.00 «Қишлоқ қаватлари». Ҳужжатли фильм. 19.15 «Қувонч». «Узбектелефильм» премьераси. Фильм-концерт. 19.50 «Ахборот». Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг намойиши ҳақида репортаж. 20.30 «Табрикларимизни қабул этинг». Байрам музикали программаси. 21.30 Москва. «Время». Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши ҳақида репортаж. 22.45 «Табрикларимизни қабул этинг». Байрам музикали программасининг давоми. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 «Юз ўртоқ». Қўғирчоқ фильм. 21.05 «Революция поэмалари». Фильм-концерт. 21.45 «Кон». Телефильм (рус.). 22.15 «Совет Иттифоқи элчиси». Бадиий фильм (рус.).

8 НОЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

8.50 Янгиликлар. 9.10 «Қалбга яқин қўшиқлар». 10.00 Санъат ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари — 1980 йилги СССР Давлат мукофотларининг лауреатлари. 11.00 «АБВГДейка». 11.30 «Спортлото»нинг 45-тиражи. 11.45 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. Граждан ва Улуғ Ватан урушлари ветеранларининг учрашуви. 13.00 Фан ва техника соҳасида 1980 йилги СССР Давлат мукофотларининг лауреатлари. 13.45 «Қувноқ нотачалар». Кичик вокалистлар концерти. 14.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.45 «Қўшиқ инсон билан қолади». 16.30 Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1980 йилги СССР Давлат мукофотларининг лауреатлари. 17.30 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов сўзи.

18.00 СССР халқ артисти О. Попов иштирокида телевизион музикали фильм. 19.15 «Қизғанчиқ бой». Мультфильм. 19.20 «Чин қалбдан». Иваново шаҳри тўқимачилик корхоналарининг меҳнаткашлари билан учрашув. 21.30 «Время». 22.15 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. 00.05 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

20.45 «Театр афишаси ёнида». 21.45 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Умумхалқ ҳокимияти», «Халқ чашмасидан». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт. 10.35 «Биз Октябрь фарзандлари» (рус.). 11.05 «Тутқич бермас қасоскорлар». Бадиий фильм. 12.20 «Тошкент». Ҳужжатли фильм премьераси.

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Зенит» (Ленинград). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида— «Ахборот» (рус.). 18.50 «Олма ҳақида эртак». Болалар учун мультфильм. 19.00 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». Узбекистон областлари ва Қорақалпогистон АССР болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. «Экранда — хоразмлик ёш талантлар». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Саккиз плюс бир». Эстрада программаси. 23.05 «Репетиция». Телефильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Сув қаердан оқмоқда». Телевизион фильм. 18.20 «Кинокамера билан саёҳат». 19.30 «Зебо» рақс ансамблининг концерти. 20.15 «Олтин қўлли усталар». Мультфильм. 20.30 Н. В. Гоголь. «Ревизор». Лохутий номли Тожикистон академик драма театрининг спектакли. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

9 НОЯБРЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 «Зарядкага сафланинг!». 10.15 «Халқ оҳанглари». 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Поэзия». В. Маяковский. 12.45 «Тонгги почта» музикали программаси. 13.15 «Қишлоқ янгиликлари». 14.15 «Музикали киоск». 14.45 Москванинг чет эллик меҳмонлари. 15.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 16.05 Социалистик мамлакатлар бадиий коллективларининг концерти. 17.00 «Халқаро панорама».

17.45 Мультфильмлар программаси. 18.10 «Терговни билимдонлар олиб боради». Телевизион бадиий фильм премьераси. 15-иш. «Кетди ва қайтиб келмади». 20.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Шахтёр» (Донецк) — «Спартак». Донецкдан олиб кўрсатилади. 21.45 «Время». 22.15 Оперетта кечаси. 23.20 «Москва дарёси». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.50 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

20.25 Останкино концерт студиясида юмор кечаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Торпедо». Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.55 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Тонгги концерт. 10.50 «Тутқич бермас қасоскорларнинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм. 12.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.10 «Чин дўстлар». Мультфильм. 13.20 Узбекистон ёзувчиларининг VIII съездининг қатнашчилари —студиямиз меҳмони (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Энг хурматли». Мультфильм. 18.30 Болалар учун «Бойчечак». 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.15 «Цирк, цирк, цирк». 20.00 «Ахборот». 20.20 СССР халқ артисти Зайнаб Хонларова куйлайди. 21.45 Москва. «Время». 22.15 «Мафтунингман». Музикали комедия (рус.). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Болалар учун мультфильм. 17.00 «Қирғизтелефильм» кўрсатади. 17.30 «Тийт Хярм рақсга тушади». Фильм-концерт. 18.40 «Опереттанинг мангу тонги». Музикали телефильм. 19.40 Эстрада концерти. 20.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/XI да **Тирик мурда**, 2/XI да **Нодирабегим** (12.00), **Ғариблар** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—1/XI да **Тошкентнинг нозанин малика**си, 2/XI да **Ур, тўқмоқ** (16.00), **Тўйдан олдин томоша** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— «ШИМПАНЗЕЛАР ЦИРКИ» аттракционининг гастроллари (19.30).

КИНО

1 НОЯБРДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЯККАМА-ЯККА» — **Янгиобод.**

«ПАРЛАМЕНТАРИЙЛАР» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«КОМСОМОЛ»— **Восток.**

«АСРЛАР ОВОЗИ» — **Дружба.**

«НИКОЛАЙ ТИХОНОВ»— **Ҳамза номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАЛОСКОР»—**К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ҒАГАРАЛАР ОВОЗИ»— **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ГУГУРТ ИЗЛАБ»— **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ БЎЛИМИНИНГ АХБОРОТИ»— **Чайка** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 77-06-20).

«БАБЕК»— **Искра** (17, 19.45, телефон 39-14-59).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

3 ВА 4 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

АСК — «БИНОКОР» (Тошкент)

КОМАНДАЛАРИ УРТАСИДА

ХОККЕЙ

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ
САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

Сизларни келаётган байрам билан табриклайди! «ТАШПРОМТОРГ», «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕ[illegible]Г», «ТАШОБУВТОРГ» магазинлари, ГУМ, ЦУМ, «[illegible]лар дунёси», Фрунзе ва Чилонзор район савдо марказлари сизларни байрам савдосига таклиф қилади!

Байрам арафаси кунларида сиз шаҳар магазинларидан кримплен, сунъий ва табиий шойидан тикилган чиройли куйлаклар, эркакларнинг костюмлари, бежирим кўйлаклар, қиз болалар ва ўғил болалар учун кўйлаклар, чиройли туфлилар харид қилишингиз мумкин.

Грампластинкалар набори, атирлар, сумка, соябон, рўмолча, соатлар, ёғочдан ишланган паннолар, сопол ёки шиша идишлар ҳам байрамга ажойиб совға бўла олади.

ТОШКЕНТ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ»
УНИВЕРМАГИДА
БОЛАЛАР УЧУН РАНГ-БАРАНГ УЙИНЧОҚЛАР
БИЛАН САВДО ҚИЛИНМОҚДА.

Озиқ-овқат магазинларидан тортлар, конфетлар, пирожноелар, балиқ ва сабзавот консервалари, шарбатлар, лимонадлар ва минерал сувларни сотиб олишингиз мумкин.

МАГАЗИНЛАРИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ЙИРИК МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

ГУМ— Охунбобоев номли майдон;

ЦУМ— Узбекистон кўчаси, 17-уй;

ТОШКЕНТ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИ — Марказ—2 квартали, 5-уй;

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ — Шота Руставели кўчаси, 53-уй;

48— «БАХТ» — Шота Руставели кўчаси, 53-уй;

ЧИЛОНЗОР САВДО МАРКАЗИ— Чилонзор кўчаси, 55-уй;

55— Киров кўчаси, 17-уй;

74—«ҲАММАСИ АЁЛЛАР УЧУН»—Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.

99 —«СОВҒАЛАР» — Луначарское шоссеси, 123-уй;

1—«КИЙИМЛАР УЙИ» —Ш. Руставели кўчаси, 13-уй;

1—«ГУЛНОРА» — Киров кўчаси, 23-уй;

2— Кафанов кўчаси, 106-уй;

7—Новомосковский кўчаси, 17-уй;

34— Юнусобод массиви, А-1, 55-уй;

42 ва 43-марказ—5 квартали, Ленин проспекти, 67-уй;

47—Муқимий кўчаси, 1-уй;

* * *

САБЗАВОТЛАР ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Дзержинский майдони, Қорасув массиви, авиасозлар шаҳарчаси, тўқимачилик комбинати, Чорсу майдони, «Ҳамза» метро станцияси, Қорақамиш, Юнусобод, Сергели, Октябрь ва Бешёғоч бозорларида

1—6 НОЯБРЬ КУНЛАРИ

САБЗАВОТЛАР ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Кузда мева-сабзавотлар мўл бўлади. Улар сизнинг менюингизни бойитибгина қолмай, балки жуда фойдали ҳамдир.

Шунинг учун мева-сабзавотларни ҳар куни истеъмол қилинг.

Уй бекалари қиш учун мураббо, компот, томат тайёрлаб, бодринг ва помидорларни тузлаб қўймоқдалар.

ДЕҲҚОНЛАР ТОМОНИДАН ЕТИШТИРИЛГАН МЕВА-САБЗАВОТЛАР: КАРАМ, ПОМИДОР, БОДРИНГ, БАҚЛАЖОН, ПИЁЗ, КАРТОШКА, ОЛМА, БЕҲИ, АНОР, ҚОВОҚ, САВЗИ, ҚОВУН, ТУРУП, ЛАВЛАГИЛАР ЯРМАРКАГА ШАҲРИМИЗ АТРОФИДАГИ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДАН КЕЛТИРИЛГАН.

Ярмарка ҳар куни соат 8.00 дан 19.00 гача ишлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ
САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

1 НОЯБРЬ —ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.05 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.50 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Урушсиз йигирма кун». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 Кинопанорама. 23.50 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.20 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Жальгирис» (Каунас)—«Динамо» (Тбилиси). Каунасдан олиб кўрсатилади. 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Здоровье» программасининг почтаси. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Юлдузча». Киноальманах. 19.00 «Биз қувноқ ва шодон яшаймиз» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Совет Узбекистони композиторлари». Шариф Рамазонов. 20.30 «Ахборот». 20.50 Қориёқубов номли Узбек Давлат Филармониясининг солисти Маълуда Ойнақулова куйлайди. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Хирмонингизга барака». 22.30 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Нодира лирикаси». 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Мультфильм. 18.20 «Инсон, автомобиль, йўл». 18.45 «Новости». 19.05 Москва. «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.50 «Ахбор». 20.15 Г. Багнашвили. «Бир килограмм ширин нон». Телеспектакль. 21.30 Москва. «Время». 22.15 Пахтакорлар учун концерт. 22.55 Бадиий фильм. 23.25 Душанба кўрсатувларининг охири.

2 НОЯБРЬ—ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 «Будильник». 10.20 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.20 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.05 «Тонгги почта» музикали программаси. 12.35 «Қишлоқ янгиликлари». 13.35 «Музикали киоск». 14.05 «Катта ўзгариш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 15.10 «Шаҳарлар ва одамлар» туркумидан. «Ангарск». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 15.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 16.45 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК —«Спартак». 2 ва 3-даврлар.

18.2[illegible] А. Скрябин ва С. Рахманиновнинг фортепьяно асарларини халқаро конкурслар лауреати Н. Гаврилова ижро этади. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 Мультфильмлар программаси: «Бир оқ тойчоқ». «Маша қандай қилиб ёстиқ билан уришиб қолди». «Квадратча-учувчи». 19.40 «СССР халқ артисти А. Соловьяненко». Фильм-концерт премьераси. 20.30 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 20.45 «Анна». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Халқ чолғулари ва халқ қўшиқлари ижрочилари II Бутунроссия конкурси лауреатларининг Ленинград Давлат филармониясининг Катта залидаги концерти. 22.55 Футбол шарҳи. 23.25 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Динамо». (Москва)—МАСК. 00.05 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

21.00 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри санъат усталарининг концерти. 21.1[illegible] «Қариган чоғда». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.30 «Жасорат». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Вена санъати тарихи музейидаги XVI—XVIII асрлар Ғарбий Европа живописи дурдоналари кўргазмаси. 23.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Қўшиқ билан учрашув». Концерт. 11.10 «Шахмат мактаби». 11.40 Болалар учун фильм. «Лахти». 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 «Узбекистон спорти». 13.30 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 14.00 Олий лига командалари ўртасида баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» («Тошкент) — «Локомотив» (Новосибирск). 14.30 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Билмасвой қуёшли шаҳарда». Мультфилм. 18.55 Болалар учун концерт. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Цирк, цирк, цирк». 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиосининг солистлари Маҳбуба Ҳасанова ва Хуррият Исроилова куйлайди. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Узбекистон. 80-йил қўшиқлари». Эстрада программаси. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси.

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Болалар учун мультфильм. 16.40 «Белое қишлоғилик бўз бола». Ҳужжатли фильм. 17.10 «Учрашувлар». Фильм-концерт. 18.10 Совет Армияси жангчилари учун концерт.

Қирғиз тилида

18.40 «Фақат севиш». Ҳужжатли фильм. 19.30 К. Мамбетакунов. «Укей». Норин область музикали драма театрининг спектакли. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Совет санъати усталари «Анатолий Папанов билан учрашувлар». Бадиий телефильм (рус.). 23.40 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19 фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10: адабиёт ва санъат — 32-58-81; ахборот —33-28-95: спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

1 НОЯБРЬ, 1980 й. Р. 14192. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2234.